


“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

**“ХОРАЗМ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**



**УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
Ш А Р Т Н О М А С И**

№ 170620

Дива шараф Аҳам
Балқиссизга қушқоқови сарқиз

Улгуржи истъёмолчиларга электр энергияси етказиб бериш Шартномаси

20 22 йил "13" август 2020 - сон Дуба ш.с. (шартнома тузилган жой)

Истъёмолчининг шахсий хисоб-рақами: 170620
" Керби КЭП Корхона " АЖ Дуба
Туман (шаҳар) электр таъминоти корхонасида 2022 йил " " да
рўйхатдан ўтказилган - сон ишончнома асосида фаолият юритувчи раҳбари
А.Джусеєв
(электр таъминоти корхонаси раҳбарининг Ф.И.Ш.)

(кейинги ўринларда Таъминотчи корхона деб аталади) бир томондан ҳамда
иккинчи томондан Улгуржи истъёмолчи (кейинги ўринларда Истъёмолчи деб
аталади) Дуба шаҳар. АБ КМ.
раҳбари М.Матназаров
(бухгалтер юритувчи субъект раҳбарининг ёки шонли вақилининг Ф.И.Ш.)

билан Шартномани куйидагилар хақида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. Ушбу электр энергияси таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда -
Шартнома деб аталади) мувофиқ, Таъминотчи корхона Истъёмолчига электр
энергиясини уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истъёмолчи истъёмол
қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергияси истъёмолчининг йиллик шартномавий ҳажми:
актив энергияси 4666 кВт/соат;
реактив энергияси _____ кВт/соат.
2.2. Етказиб берилган электр энергиянинг шартнома тузилган кундаги
тахминий нархи 2099700 сўмни, тариф бўйича 466 сўмни ташкил
этади. Тариф турлари _____

табақалаштирилган, бир ставкали, аҳоли нархи ва бошқалар (тегишлиси ёзилади)
2.3. Истъёмолчига етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар
кесимдаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.
Таъминотчи корхона томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун
электр таъминотида танқислик юзага келган тақдирда, Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қароридан кейин эълон қилинган ва ижтимоий
аҳамиятга эга истъёмолчиларга зарур бўлган электр энергиясининг минимал
ҳажминини, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича Истъёмолчи билан белгиланган ва
олдиндан келишилган тартибда етказиб берилишини таъминлаш шарт (7-илова).
2.4. Истъёмолчи томонидан истъёмол қилинган электр энергиясининг ҳақ
тўлаши лозим бўлган ҳажми ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга

олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида, хисобга олиш приборлари уланган ток
ва кучланиш трансформаторларининг трансформация коэффициентларини инобатга
олинган ҳолда аниқланади.

2.5. Истъёмолчининг (тадбиркорлик субъектларидан ташқари) электр
энергиясини хисобга олиш приборлари, шунингдек электр энергиясини хисобга
олишнинг бошқа воситалари (ўлчов трансформаторлари, автоматлар, симлар
ва бошқалар) истъёмолчининг маблағлари хисобга сотиб олинади, давлат
киёсловидан ўтказилади, Таъминотчи корхона томонидан бепул ўрнатилади,
пломбланади ва рўйхатдан ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектларининг электр энергиясини хисобга олиш электрон
приборларини сотиб олиш, ўрнатиш, рўйхатга олиш, даврий давлат кийёсловидан
ўтказиш ва пломбалаш, шунингдек, мавжуд (жумладан, индукцион) хисобга олиш
асоблари Таъминотчи корхона маблағлари хисобидан алмаштирилади.

Хисобга олиш Истъёмолчининг айби билан бузилган тақдирда (ток ва
кучланишни ўлчаш трансформаторларининг ишдан чиқиши, шунингдек, иккиламчи
коммутация, хисобга олиш приборларининг шикастланиши ва уларнинг йўқолиши)
хисобга олиш назорат қилиш асбобларини ва уларга тегишли асбоб-ускуналарни
алмаштириш, таъмирлаш, давлат кийёсловидан ўтказиш ва ўрнатиш истъёмолчи
томонидан улар қиймати ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўланган ҳолда,
Таъминотчи корхона томонидан амалга оширилади.

II. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун хисоб-китоблар бир ставкали, табақалаштирилган,
ўсиб борувчи, камаювчи коэффициент қўлланиладиган ёки аҳолига тенглаштирилган
тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортқ бўлган Истъёмолчи (бюджет
ташкilotлари, сув таъминоти ташкilotлари, фермер хўжаликлари ва сув
истъёмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан
молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун
хисоб-китобларни табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истъёмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича хисоб-
китоблар:

ярим титиз давр - сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) - белгиланган
тариф бўйича,

титиз давр - энг катта юкلامали соатларда (ягона электр энергетика
тизимининг энг катта юкلامали соатлари: эргалабки энг катта микдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰
гача, кечки энг катта микдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан
1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунги давр - сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкلامали соатларида:
22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) - белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар
камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истъёмолчиларга
қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган истъёмолчига нисбатан энергия
учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Реактив энергия компенсацияси учун четирмалар (устамалар) реактив
энергияни хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади ҳамда
тегишли равишда истъёмол қилинган (хосил қилган) реактив энергиянинг 1 кВт/соат
учун тўлов тарзида ундирилади.

Реактив энергиянинг шартномавий миқдори реактив энергиянинг иқтисодий киймати билан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий киймати, шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Уланган қувватидан катъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширувчи Истеъмолчилар (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғмалари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоklar яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гуруҳига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентга мувофиқ тўлайди.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб Истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

3.4. Таъминотчи корхона Истеъмолчи (ёки унинг вакили) билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши ваколатига эга.

Таъминотчи корхона Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоб-китоб даври тугатилган сўнг (мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда) ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида Таъминотчи корхонага белгиланган шакл бўйича ўз кўли билан, факсимиль, электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот ҳам истеъмол қилинган амалдаги ҳажминини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича электр энергияси сарфи бўйича ҳисоботда фойдаланилган электр энергияси (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергияси ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (кейинги ўринларда ЭХНАТ деб аталади) жорий этилган истеъмолчиларда ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камидан бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси уларнинг кучга киришидан камидан 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергиянинг) аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кундан бошлаб кейинги бир ойдан олтиқ бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик ҳатоликлар, тарифларни нотўғри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб

чиқлади ва Таъминотчи корхона томонидан давво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.6. Истеъмолчига электр энергияси етказиб бериш 70 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади.

ЭХНАТга уланган ёки олдиндан ҳақ тўлаш қурилмаси ва ҳисобга олиш приборига эга бўлган Истеъмолчиларга электр энергияси етказиб бериш олдиндан тўланган тўлов доирасида амалга оширилади.

Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланишидан камидан 5 кун олдин билдирги тартибда Таъминотчи корхонага мурожаат қилганлари тақдирда электр энергияси истеъмолчиларга 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур Истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Таъминотчи корхона Истеъмолчининг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичида тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир неча объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура тақдим этади.

Таъминотчи корхона томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини шакллантирилади ҳамда Истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, оператор роуминг операторига юборилади. Агар махсус дастурий маҳсулот орқали етказиш имконият мавжуд бўлмаса ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағи ёзма шаклда бералади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли "Ўзaro ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори)

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартноманинг 3-иловасига мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойигача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфлаши ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу Шартноманинг 4-иловасига мувофиқ далолатномада кўрсатилади ва электр тармоғининг баланс бўйича мансубликга қараб худудий электр тармоқлари корхонасининг ва истеъмолчининг ҳисобига утқазилади. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал-эксплуатация ташкилотлари бундан мустасно.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфлаши ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳажмини ёзиб учун қўшиб борилади (6-, 7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдирди).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича Истеъмолчининг электр тармоғи орқали худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатиладиган, Истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси

технологик сарфининг бир қисми, Истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдориغا нисбаган худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдориغا мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи ўтгисидаги хисобот Истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, Таъминотчи корхона томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолчининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган хисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолчининг ўртacha суткалик амалдаги миқдори ўтгисидаги маълумотлар асосида хисоб-китоб қилинади.

Бунда хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибда Таъминотчи корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта хисоб-китоб қилинади. Қайта хисоб-китоб Истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. ЭХНАТнинг жорий этилиши муносабати билан Истеъмолчининг хисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камидан бир марта ёки Истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

Таъминотчи корхона Истеъмолчининг шахсий хисоб-рақам ва хисобга олиш приборларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимда юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада хисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фойиздан ортқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан шартномада кўрсатилган миқдордан ортқ истеъмол қилинган электр энергияси жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорда тўлов ундирилади.

Истеъмолчининг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси қайта хисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

Истеъмолчи шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

Хисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов мuddати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов мuddати ўтган ҳар бир кун учун Истеъмолчига тўлов мuddати ўтган сумманинг 0,1 фойизи миқдорда, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фойиз миқдорда пеня хисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, мuddати ўтган тўловнинг 50 фойиздан ошмаслиги лозим.

3.13. Истеъмолчи ва Таъминотчи корхона ҳар ойда хисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро хисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.14. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади: хисоб-китобдан ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Таъминотчи корхонанинг қонуний талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда.

хисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиб хатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланishi, талон-тарож қилиш ёки Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли Электр энергиясидан фойдаланиш Қоидалар (кейинги ўринларда Қоидалар деб аталади)нинг бузилишининг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

Ягона электр энергетика тизимида электр энергия ва қувватда танкистик вужудга келганда, аварияларга йўл қўймаслик ва истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишининг олдини олиш мақсадида худудий электр тармоқлари корхонаси ўчириш вақтини кўрсатган ҳолда, истеъмолчилардан рекламалар, иллюминациялар, бино ва иншоотларни ёриткичларини, электр иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш қурилмаларини ўчириб қўйишни талаби бажарилмаганда,

Суд органларининг қонуний қучга кирган қарорларига асосан.

Истеъмолчилар ва субистеъмолчилар (ижарачилар), талбиркорлик субъектлари ёхуд фуқаролар ўртасида турли хил низоли (келишмовчилик) ҳолатларда, фақатгина суднинг қонуний қучга кирган қарорларига асосан Таъминотчи корхона электр тармоқдан ажратиб ёки қайта улашни амалга оширади.

3.15. Хисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта хисоб-китоб, Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Қоидаларни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. Таъминотчи корхона етказиб берилган электр энергия учун қарздор бўлган Истеъмолчига қарзни беш кун ичида тўлашни ҳақида хабардор қилишни таъминлайди.

Таъминотчи корхона Истеъмолчини хабардор қилинган вақтдан бошлаб беш кун мuddат ўтгандан сўнг, Истеъмолчини дебитор қарздорлик учун тармоқдан узиб қўйиш ва уларни қайтадан улашни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширади.

Қайта улашишда Истеъмолчидан тўлов кун амалда бўлган базавий хисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда ҳақ ундирилади. Бунда, ЭХНАТга уланган ҳамда хисобга олиш прибори автоматик тарзда ўчириб-ёқиб қурилмасига эга бўлган истеъмолчиларни тармоқларига қайта улашни учун ҳақ ундирилмайди.

3.17. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган улугга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига берилмаган электр энергияси тарифига қўйишга рухсат этилмайди.

3.18. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал-эксплуатация ташкилотлари, электр энергиясидан аҳолига электр энергияси етказиб бериш мақсадида фойдаланувчи идоравий ва муниципал уй-жой фонди, юридик шахслар ётоқхоналари, диний ташкилотлар ва оилавий корхоналар, шунингдек, электр энергиясидан аҳоли эҳтиёжлари учун фойдаланидиган локал қозонхоналарга маиший истеъмолчиларга белгиланган тариф қўлланилади.

3.19. Электр энергиясини хисобга олиш прибор билан биргаликда фойдаланиладиган ўлчов трансформаторларини бошқа жойга ўрнатиб ва алмаштириш Таъминотчи корхона билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Истеъмолчининг айби билан электр энергиясини хисобга олиш приборига зарар етказилган (пломбаси бузилса, ойнаси синса ва бошқалар), электр энергиясини хисобга олиш приборини улаш схемаси ўзгартирилган, хисобга олиш асбобининг хотира блохи ва уни дастурлашдан фойдаланиш тутмасига (бўлмасига) ташқаридан

Жадвалларнинг қуйидаги турлари тузилади:

ягона электр энергетика тизимида ёкиги ёки гидроресурслар етишмаганда электр энергиясини (кВт соатда) чеклаш жадвали. Жадвалда электр энергия истеъмолчи истеъмолчиларнинг технологик бронига, кейинчалик эса авария бронига (чеклашга мансуб бўлмаган объектлардан ташқари) ва бунда истеъмолни 5 та навбатга бўлиш ҳолда қисқартириш назарда тутилиши лозим;

ягона электр энергетика тизимида қувват етишмаганда қувватни (кВт) чеклаш жадвали. Жадвалда ягона электр энергетика тизимининг эрталабки ва кечки энг катта юклар яюга келадиган соатларда истеъмол қилинадиган қувватни истеъмолчиларнинг авария бронига камайтириш ва бунда истеъмол қилинадиган қувватни 5 та навбатга бўлиш назарда тутилиши лозим;

қувват тақчиллиги юзюга келиши натижасида авария хавфи пайдо бўлганда ва чеклаш жадвалларини жорий қилиш имконияти бўлмаганда, қувватни чеклаш жадвали. Жадвалда узиб қўйилиши мумкин бўлмаган объектлардан ташқари, ягона электр энергетика тизими истеъмолчиларини тўлиқ узиб қўйиш ва узиб қўйиладиган қувватни 5 навбатга бўлиш назарда тутилиши лозим.

6.3. Чеклаш ва узиб қўйиш жадвалларини амалга киритиш тартиби қуйидагилар:

электр энергияси ва қувватни чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ раҳбари фармойиши билан амалга киритилади. Диспетчерлик бошқарувиининг барча даражаларида электр энергиясини чеклашни жорий этиш фармойиши оператив журналда чеклаш ҳажми, чеклаш бошланадиган ва тугайдиган вақт кайд этилган ҳолда берилади;

хулудий электр тармоқлари корхонаси истеъмолчиларга кейинги суткаларда электр энергиясини чеклаш жадвалларининг амалга киритилиши тўғрисида жорий сутканин соат 14⁰⁰ дан кечиктирмай, чеклаш ҳажми, чеклаш бошланадиган ва тугайдиган вақтини кўрсатган ҳолда маълум қилади.

Электр энергиясини чеклаш жадвалларини зудлик билан жорий этиш зарур бўлганда, бу ҳақдаги билдиришнома сутканин вақтидан қатъи назар, чеклашнинг амал қилиши бошланишидан 1 соат олдин истеъмолчиларга етказилади.

Узиб қўйиш жадваллари истеъмолчилар томонидан хулудий электр тармоқлари корхонасидан узиб қўйиш жадваллари жорий этилиши тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин дарҳол жорий этилади.

Истеъмолчилар – чеклаш ва узиб қўйиш жадвалига киритилган, шу жумладан узлуксиз ишлаб чиқариш технологик жараёнига эга корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар (чеклаш ва узиб қўйилиши мумкин бўлмаган объектлардан ташқари) чеклаш ва узиб қўйиш жадвалларининг хулудий электр тармоқлари корхоналари томонидан кўрсатилган муддатга сўзсиз бажарилишни ташкил этиши шарт. Акс ҳолда, улар узиб қўйиш ва чеклаш жадваллари бажарилмаганлиги туфайли ягона электр энергетика тизими марказларидан мажбурий узиб қўйиш натижасида юзюга келадиган оқибатлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Хулудий электр тармоқлари корхонаси электр энергияси ва қувватини чеклаш жадвалларини амалга киритиш тўғрисидаги фармойиш истеъмолчилар томонидан бажарилмаганда, уларни огоҳлангиргандан сўннг электр энергияси ва қувват истеъмолининг белгиланган даражада камайишни таъминловчи миқдорда электр энергияси етказиб берилишини мажбурий равишда чеклайди.

Бу борадаги технологик жараёнлар бузилишининг оқибатлари учун жавобгарлик Истеъмолчи корхона раҳбарлари зиммасига юкланади.

6.4. Қоидаларда назарда тутилмаган сабабларга кўра Истеъмолчиларини электр энергиясидан ўчирганлик учун хулудий электр тармоқлари корхоналарига нисбатан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ иқтисодий чоралар қўлланилади.

бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Таъминотчи корхона бунинг натижасида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга, Истеъмолчи эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Таъминотчи корхона Истеъмолчи олинди моддий жавобгар бўлмади агар: Истеъмолчи электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимида рию қилмай, электр энергияси истеъмолчи ёки қувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишга йўл қўйганда, хулудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергияси истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган қунларда сифати паст электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда тез-тез ўчирилар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун.

Электр таъминоти шартномаси бўйича мажбурийлар бажарилмаган ёки зарур тарзда бажарилмаган ҳолларда, хулудий электр тармоқлари корхонаси бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, истеъмолчи эса етказилган реал зарарни қоплашга мажбур.

5.3. Томонлар уларнинг хошиш ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган табиий офатлар ёки иқтимоий-иқтисодий вазиятлар сабабли ушбу шартноларда қайтариб бўлмайдиган ва олинган биллиб бўлмайдиган фавқулодда ҳолатларни ўз ичига олган енгиб бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида ўз зиммасига олинган мажбурийларни бажара олмаса, томонлардан ҳеч бири ўз мажбурийларини тўлиқ ёки қисман бажармагани учун жавоб бермайди.

5.4. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра иқтисодий судларда ёки "ХОРАЗМ МЕДИАЦИЈА ВА АРБИТРАЖ МАРКАЗИ" жамияти хузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Ҳакамлик судида ҳал қилинади. Низо ҳакамлик судида ҳал қилинганда суднинг регаменти ва Низомига кўра ҳал қилинади. Ҳакамлик муҳокамасининг жойи: ҳакамлик суди томонидан белгиланади. Ҳакамлик муҳокамаси 1 нафар ҳакамлик судьяси томонидан ҳал этилади. Ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ чиқимлар Ўзбекистон Республикаси "Давлат бож тўғрисида"ги Қонуни ва илоовасида белгиланган ставкалардан ошмаслиги лозим.

5.5. Тарафлар ўртасида ушбу шартномада белгиланмаган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, улар мазкур шартноманин 5.4-бандида кўрсатилган тартибда "ХОРАЗМ МЕДИАЦИЈА ВА АРБИТРАЖ МАРКАЗИ" жамияти хузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Ҳакамлик судида ҳал қилинади.

VI. Электр энергиясини чеклаш ёки узиб қўйиш шартлари

6.1. Қувват ва электр энергияси истеъмолчи бўйича чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари хулудий электр тармоқлари корхонаси томонидан истеъмолчилар билан биргаликда ишлаб чиқилади, маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари билан келишилади, "Хулудий электр тармоқлари" АЖ томонидан тасдиқланади ва ягона электр энергетика тизимида электр қуввати ва энергия танқислиги пайдо бўлганда жорий этилади.

6.2. Электр энергиясини чеклаш ва узиб қўйиш жадваллари истеъмолчининг технологик ва авария бронини аниқлаш далолатномасига асосан, жорий йилнинг 1 октябрдан кейинги йилнинг 1 октябрга чад бўлган давр учун тузилади ҳамда жадвалларга киритилган барча истеъмолчилар учун уларни бажариш мажбурий ҳисобланади.

VII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланмайдиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишни кафолатлайди. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директорлари, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

VIII. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

- 8.1. Шартнома 2023 йил 01 с/ гача бўлган муддатга тузилади. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.
- 8.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.
- 8.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.
- 8.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.
- 8.5. Ушбу Шартнома талабларида назарда тутилган ва тутилмаган ҳолатлар бўйича низолар келиб чиққан тақдирда қонунчилик ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

Истеъмолчилларга огоҳлантириш!

Умумий фойдаланишдаги электртармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш ёхуд электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларига шу жумладан уларнинг пломбаларига касддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадда уларга ташқаридан аралашиб, Ўзбекистон Республикасининг Мамбурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101 ҳамда Жиноят кодексининг 185²-моддаларига асосан жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕЪМОЛЧИ:

Юридик манзили Дева шаҳар А Б К М
 Ҳисоб рақами: 100022860334067409120147007
 Банк коди (МФО) 00277 СТИР (ИНН) 305062402
 Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирилаётган Истеъмолчилар учун:
 Бюджет фонднинг ҳисоб-рақами: 23402000 300900001010
 Банк коди (МФО) 00014 СТИР (ИНН) 201222919
 Бюджетдан ташқари фонднинг ҳисоб-рақами _____
 Банк коди (МФО) _____ СТИР (ИНН) _____
 ҚҚС тўловчининг коди _____
 Телефонлар: 377 45 12 Факс: _____ e.mail: _____
 (Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг хоҳлишига кўра уяли, факс телефонлари коди электрон манзили ёзилади)

Кадастр рақами _____

Статистик кодлар:

IFUT (ОКЭД) _____
 DBIVT (СООГУ) _____
 МНОВТ (СОАТО) 1733406
 (КФС) _____
 TSHK (КОПФ) _____

ТАЪМИНОТЧИ КОРХОНА:

Почта манзили Дева шаҳар МВБ
 Ҳисобрақами 21636000000313389467
 Банк коди (МФО) 00853 СТИР (ИНН) 200408 433
 ҚҚС тўловчининг коди _____
 Телефонлар: _____ Факс: _____
 Статистик кодлар: _____

Сўрашувчи корхона:

МНОВТ (СОАТО)
 XIVA SHI TA'MINOTCHI KORXONA

Истеъмолчи:



М.У. Ўйроқов, Директор, Ф.И.Ш.

ЮРИСТКОНСУЛЬТ ХУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарори талабларига мувофиқ тузилган. Томонлар ўртасида мажбурий шартнома тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик талаблари монидлик қилмайди. Шартнома иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва "Ҳўжалик юртувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида қонуний қилинган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низоларни хал қилиш тартиби белгиланган.

Юристкаонсулт:

(имзо)

Етказиб бериладиган энергия хажми

1. Тариф гуруҳи _____
2. Фаолият тури 1
3. Истеъмолчи электр қурилмаларининг уланган қуввати: _____ кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват _____ кВт
5. Электр таъминоти ишончилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича) _____
6. Электр таъминоти ишончилиги бўйича тоифаси (амалда) _____
6. Ҳисоб-китоб тури: дар соғина

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган (серакисис гулик кўрсатилган)


Давр	Энергия хажми минг. кВт/соат	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами	4688				
Январь	455				
Февраль	455				
Март	456				
Апрель	—				
Май	—				
Июнь	—				
Июль	—				
Август	—				
Сентябрь	—				
Октябрь	—				
Ноябрь	—				
Декабрь	—				

Ташкилот кунига фойдаланади _____ соат, ойга 3031 кун
Умумий ҳисобдаги нисбатан сменалар бўйича юкланиш % ҳисобда I, II, III _____



Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

Истеъмолчининг (субистеъмолчининг) ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлари, тури ва кучланиш тоифаси (кВ)	Ҳисобга олиш прибори тури (актив), (номинал токи)	Ҳисобга олиш прибори рақами	Ҳисобга олиш прибори клемма қопқоқдаги шобабанинг рақами	Ўлчов		Ҳисобга олиш приборнинг шартнома тузилган кундаги кўрсаткичлари	Тариф тури бўлиб 1 кВт/соат
				Ток	Кучланиш		



_____ -сонли шартномага
3 - илова

**Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси далолатномаси**

Ҳисобга олиш прибори давлат рақами _____ ток трансформатори _____ кучланиш
трансформатори _____ жами коэффициент _____ уланган қуввати _____ кВт
Ҳисобга олиш прибори ўрнатилган манзил: _____

шаҳар, қўй, мфй, кўча номи, уй рақами

- 1. Тариф гуруҳи _____ Фаолият тури _____
- 2. Тариф гуруҳи _____ Фаолият тури _____

1. Истеъмолчининг балансида куйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) ҳаво электр тармоғи _____

б) кабель электр тармоғи _____

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП рақами _____, кВА _____

2. Истеъмолчи ва Таъминотчи корхона ўртасидаги электр тармоқларининг баланс бўйича

мансублик чегараси *таъминотчи корхона - шаҳар 100 м*

3. Улардан куйидагиларга:

- а) *бизнес маркази*
- б) *қўй*

Истеъмолчи _____ йил _____ санада тузилган _____ -сонли Техник хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома асосида Таъминотчи корхона томонидан хизмат кўрсатилади. Техник хизмат кўрсатиш шартномаси тузилмаси Таъминотчи корхона томонидан хизмат кўрсатилмайди.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси куйидагича белгиланди: _____

Таъминотчи корхона:



И.У. Ҳасанов, лавозими, Ф.И.Ш.

_____ -сонли шартномага
4 - илова

**Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва куйидагиларга ҳисобланади:

а) Қуввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ %, реактив энергия йўқолишлари _____ кВт.р.соат ёки _____ % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги _____ м;
 Кесим юзаси _____ мм²;
 Русуми _____;
 Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;
 Кесим юзаси _____ мм²;
 Русуми _____;
 Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади.

Энергияни ҳар ойда жами йўқотишлар ҳажми ҳисоб давридаги энергия сарфининг _____ фоизини ташкил этади.



И.У. Ҳасанов, лавозими, Ф.И.Ш.

Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича
ХИСОБОТ

20 _____ йил _____ оyi бўйича
Кўрсаткичлар қайд этилган сана " _____ 20 _____ йил.

Уланган жой номи, ҳисобга олиш приборининг завод рақами, ҳисобга олиш тури (актив, реактив)	Ҳисоб-яқтоб коэффициенти		Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичлари		Ҳисобга олиш прибори курсаткичларининг фарқи	Табақалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.							
	ток трансформаторнинг (ТТ)	кучланиш трансформаторнинг (КТ)	умумий	бошлангич		Сарф кВт.с., кВАр.с.	Эрта-вакт	Кунтигиш вакт	Кечки тиғиз вакт	Тун	соат	соат	соат
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	13
	7273 SP-2-3				1130100								
Жами													

Изоҳ: 7 устун = 6 устун - 5 устун, табақалаштирилган ҳисоб учун назорат рақами 8 устун = 7 устун *4
усту: 8 устун = 9 устун +10 устун +11 устун +12 устун +13 устун.



Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати		Уланиш вақти		Жами
		Эрталаб	Кечқурун	Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан: Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, Қўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.					
1.1.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт С/Днинг реактив қуввати, кВАр (С/Днинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт) Жами (16.+36.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.					
1.2.						
2.						
3.						

ИЗОХ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жайраланган таъминотлар уланиш вақтиричи тўдириши шарт эмас.

2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича			
		I	II	IV	
Январь					
Февраль					
Март					
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қуваат коэффициентининг оптимал микроли ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги микролидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги микроли истёмол қилинган актив энергия ва қуваат коэффициентининг шартномавий микролидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда фазол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истёмол қилинган актив энергия ва қуваат коэффициентининг шартномавий микролидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

10% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат микролидан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истёмол қилинган актив энергия ва қуваат коэффициентининг шартномавий микролидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санқцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қуваат коэффициентининг норматив қиймати Истеъмолчи томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қўллаб-қувватланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қуваат коэффициентни кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириши ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Истеъмолчи томонидан қуваат коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида "Ўзэнергоинспекция"нинг тасдиқови бўлганда амалга оширилади.

Тариф четгирмалари Истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юқламали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юқламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истёмол қилинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% микролида белгиланади.



**Аварийвий ва технологик бронни аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Истеъмолчининг _____ иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қуваат танқислиги юзга келганда Истеъмолчи қуйидагиларни бажариши керак:

1. Усуқна юқламасини технологик брон даражасига чача пасайтириш:

Т/р	Технологик бронига таълуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишла қолдирилган юқламалар қувавати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, усукунанинг бузилиши, портилаш, ёнгин, захарланмиш ва бошқа хавфсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига таълуқли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич _____ кВт; II босқич _____ кВт;

III босқич _____ кВт; IV босқич _____ кВт.

2. _____ ўтгандан кейин цехлар ва агрегатлар авария бронни даражасига чача узиб қуйилади.

Т/р	Авария бронига таълуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишла қолдирилган юқламалар қувавати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт.

* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қўриқлаш бритақчалари электр тармоғидан узилмаган ҳолда қолдирилади.

б) Ёнгнига қарши захира насослар ва бошқа ёнгнига қарши агрегатлар авария бронига қармайди (ушбу агрегатлар, заруратга қараб, олинган Ташкентнинг қорғонча билан қелишилган ҳолда руҳхатга киритилиши мумкин).

